# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 16 (9.666) 2002 йил 6 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❒ **ЖОРИЙ** йилнинг 8-9 февраль кунлари «Умид юлдузлари» болалар қўшиқлари иккинчи фестивали бўлиб ўтади. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги йиғилиш ана шу фестивални ўтказиш масалаларига бағишланди.

❒ **ТОШКЕНТ** тиббиёт-педиатрия институтида ушбу олий ўқув юрти талабалари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида улуғ шоир Алишер Навоий асарларининг энг яхши билимдонлари танловига қизғин тараддуд кетмоқда. Ушбу танлов улуғ бобомиз таваллудининг 561 йиллик санасига бағишланади.

❒ **ЭРТАГА** Темурийлар тарихи Давлат музейида ҳам улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллигига бағишланган катта байрам тадбири ўтказилади. Унда юртимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари иштирок этишади.

❒ **ИЛМИЙ** журналлар сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Тошкентдаги вакцина ва зардоблар институти муассислигида «Юқумли касалликлар, иммунитет ва фармакология» деб номланган янги журнал босмага тайёрланди.

❒ **ТОШКЕНТДАГИ** Замонавий санъат марказида ўтказилаётган «Гиёвандсиз ҳаёт» деб номланган танлов-кўргазмада Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти талабалари гиёвандликнинг ижтимоий хавфи, инсон саломатлигига кўрсатадиган зарарли таъсирига оид кўплаб суратлари билан иштирок этаяпти.

❒ **САНЪАТШУНОСЛИК** илмий-тадқиқот институтида республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ёш рассомларининг ҳисобот-кўргазмаси ташкил этилди.

## Дарсликлар янада кўпайсин

**Вазирлар Маҳкамасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда мамлакатимиз таълим муассасаларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, янги дарсликларни яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, нашриётларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муайян ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий ўрта таълим тизимини 87,7 фоиз, олий таълим муассасаларини эса 94 фоизгача дарсликлар билан таъминлашга эришилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бўйича дарсликлар нашр этишнинг 2001 йилга мўлжалланган режаси тўла бажарилди. Давлат матбуот қўмитаси томонидан умумтаълим мактаблари учун 2000 йилга нисбатан 7 миллион нусха кўп, яъни 24,5 миллион нусхада дарсликлар чоп этилди.

Шу билан бирга, мазкур масала бўйича камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, республика таълим муассасалари кутубхона фондини талаб ва меъёрлар даражасида дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишлари етарлича эмас. Таълим муассасалари ўқув жараёнини янги информацион технологиялар, «Интернет» тизими, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашнинг электрон воситалари ва усуллари (компьютерлардан фойдаланиш, электрон дарслик ва электрон кутубхоналарни яратиш) суст жорий этилмоқда. Етук ва тажрибали илмий-педагогик кадрларни дарсликлар яратишга жалб этишга етарлича эътибор берилмаяпти. Муаллифларни рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароит яратишнинг қўшимча имкониятларидан унумли фойдаланилмаётир. Дарсликларни бевосита жойларга етказиш ҳамда уларни сотиш тизими тўла шаклланмаган.

Шунингдек, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанлари бўйича яратилган дарслик ва қўлланмаларнинг узлуксиз таълим тизимига жорий этилиши ҳамда Осиё тараққиёт банкининг «Дарслик ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш» бўйича ҳамкорлик лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда дарслик ва ўқув адабиётлари яратиш ва нашр этиш, улар билан барча таълим муассасалари ва ўқувчи-талабаларни таъминлашдек масъулиятли вазифани бажаришда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

**(ЎзА).**

ФАН

## Янги ўқув-техник негиз

**Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган кимёреактив идора яқин орада реактивлар ўқув тажриба негизига айланади.**

«Ўзкимёсаноат» республика уюшмаси ихтиёрида фаолият кўрсатадиган мазкур даргоҳ композицион материаллар технологияси соҳасидаги янгиликларни оммалаштиришда муҳим ўрин тутади.

Композицион материаллар ва улардан фойдаланиш масаласига бағишланиб Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли «Фан ва тараққиёт» илмий-техника мажмуаси негизида ўтказилган республика конференцияси ана шу жараённи амалга ошириш ташаббускори бўлди.

Шу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув даргоҳларида ушбу мутахассислик бўйича курс машғулотларини уюштириш мақсадида «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси ҳузурида кимёреактивлар бошқармасини очиш тадбирлари кўрилмоқда. Ўзининг мустаҳкам ўқув-техник негизига эга бўладиган мазкур бошқарма университетлар, кимё-технология олий ўқув юртлари учун ўқув адабиётлари тайёрлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Айни вақтда у композицион материалларни яратиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш ўчоғи бўлиб хизмат қилади. Бу негизда касб-ҳунар коллежлари, мактаб ўқувчилари ҳам ўз билимларини бойитадилар.

**Акбар АЛИЕВ**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## Якун ва режалар

**Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг 2001 йил якунлари ва 2002 йил Қарияларни қадрлаш йилида бошқарма олдига қўйилган вазифалар тўғрисидаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилиш тизимдаги ташкилот вакиллари иштирокида олиб борилди. Уни бош бошқарма бошлиғи Б.Камолов олиб борди.

Кун тартибидаги масала бўйича бош бошқарманинг биринчи ўринбосарлари О.Иноғомов ва А.Мўминовларнинг маърузалари тингланди. Унда шаҳар бўйича 2002 йил 1 январь ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 321477 кишини ташкил этиши, ҳисобот даврида жами бўлиб 5411 та ногирон 8603 хил турдаги протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланганликлари, уларни олиш учун 151 миллион сўм сарфлангани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Меҳнат кодекси» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунларини амалга оширишда, ишсиз аҳолини қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида олиб борилган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтилди, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар ҳамда олдимизда бажариш лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Маърузалар муҳокамаси бўйича Мирзо Улуғбек тумани ижтимоий таъминот бўлимининг раҳбари М.Аҳмедова, Акмал Икромов тумани Меҳнат бўлими раҳбари А.Комилов, «Нуронийлар оромгоҳи» директори Л.Йўлдошева ва 2-болалар «Мурувват» уйи директори У.Асадуллахўжаевалар сўзга чиқишди.

Тизимда олиб борилган ишлардаги камчиликлар ва 2002 йилда Қарияларни қадрлаш йилида бошқарма олдига қўйилган вазифалар тўғрисида шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Хонов батафсил тўхтаб ўтди.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб олинди ҳамда уларни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Мароқли машғулотлар

ТАЪЛИМ

**Тошкент Давлат консерваториясининг «Шарқ мусиқаси» кафедраси олимлари ана шу бой ижодий меросни тадқиқ этиш ва оммалаштириш мақсадида йирик тадқиқотларни олиб боришмоқда.**

Талаба ёшларга шарқ мумтоз мусиқаси бўйича чуқур билим бериш борасида ҳам самарали изланилмоқда.

Кафедранинг бир гуруҳ етакчи олимлари саъй-ҳаракати билан талабаларга мазкур тажриба асосида машғулотлар олиб боришда ёрдам бериш мақсадида такомиллаштирилган ўқитиш методикаси бўйича ўқув-маърузалари текстлари тузилди.

«Анъанавий ўзбек мусиқаси асослари» деган мавзуда тайёрланган дарс намуналари ҳам юзага келди.

Бу хил ўқув қўлланмаси ҳам мутахассисларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди. «Композиция», «Опера симфонияси дирижёрлиги» каби машғулот турлари бўйича дарс ўтиш жараёни ўз ифодасини топди. **(Ўз мухбиримиз)**

САНОАТ

## Биллур жилоси

**Кўзни қамаштиради унинг нафис жилолари... Киши қалбига қандайдир ўзгача завқ, ажиб лаҳзалар бахш этади. Ана шунда бундай биллур қандиллару гулдонлар, турфа маҳсулотларнинг моҳир ижодкорлари меҳнатига тасаннолар айтасан.**



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ОНИКС» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган нафису сержило биллур маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда , балки хорижий давлатларда ҳам харидорлар борлиги кишини қувонтиради. Бу, албатта корхонада меҳнат аҳлининг маҳсулотнинг бозор талаби асосидаги турлари ва сифатини яхшилашга қаратаётган эътибори, айниқса муҳандис-техник ходимларнинг доимий изланишлари самарасидир.

Ўтган йилда ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўз маҳсулотларини «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан қатор хорижий давлатларга экспорт қилганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Шуни айтиш керакки, хориждан харидор топишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш зарур. Шу сабаб ҳам корхона аҳли биллур ёритгичлар ва бошқа маҳсулотларнинг дизайни устида, уларнинг металл қисмлари сифатини яхшилаш борасида, лойиҳа конструкцияларига янгиликлар киритиш йўлида изланмоқдалар. Изланишлар ўз натижасини бераётганини шунда кўриш мумкинки, свинцли биллурдан турли хил идишлар тайёрлаш мақсадида корхонани қайта жиҳозлаш ва модернизациялашнинг аниқ лойиҳалари тайёрланди. Ана шунга кўра 1,2 миллион дона шундай турдаги маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган Германиядаги «Вальтер-Пётинг» фирмаси дастгоҳларини келтириш режаланмоқда. Ушбу режанинг амалга оширилиши корхонада экспортга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми бир неча бароборга ортиши имконларини яратади.

Корхона жамоасининг янги йилдаги режалари талайгина. Уни амалга ошириш йўлида ўзига хос саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Маҳсулотнинг бозоргир турларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилаётганлиги муҳимдир. Жамоа пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Хобас-ТАПО» қўшма корхонасини техник ойна толалари билан таъминлаш мақсадида «Ўзгласзайден» қўшма корхонасини швейцарияликлар билан ҳамкорликда барпо этишмоқда.



Ушбу корхонада маҳаллий хом ашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Корхонанинг олдига қўйган мақсад ва режалари аниқ. Уни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда эса мутасаддилардан тортиб оддий ишчигача тадбиркорлик билан меҳнат қилмоқда. Улар бугуннинг талабини, харидор дидини тўла-тўкис ўрганишга интилишмоқда. Зеро, интилганга ҳамиша омад кулиб боқаверади. Худди шундай қўли гул ходимлар томонидан яратилаётган биллур маҳсулотлар жилоси уларнинг меҳр-муҳаббатлари йўғрилганлиги боис ҳам кўзни қамаштиради, дилингизга ажиб иликлик, хонадонингизга файз бағишлаши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона фахрийси, тажрибали уста Ҳамидулло Асатуллаев шогирди Гулбаҳор Шонўъмоновага билим ва маҳоратини ўргатишдан эринмайди; Кабир Тўлаганов ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, корхона ютуғига муносиб улуш қўшмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

## Ҳамфикр ва ҳамдам

**Ҳозирги кунда «ёшлар қаноти» бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббускор ишларини ҳар қадамда сезишимиз мумкин.**

**Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, бу ҳаракат амалий ишларининг самарасида бошланғич ташкилотларнинг ўрни катта. Бунга мисол қилиб, Тошкент Давлат техника университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотини келтириш мумкин.**

Айни шу кунларда бу бошланғич ташкилот ташаббуси билан Тошкент Давлат техника университетида бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Университетнинг Ахборотларни қайта ишлаш ва бошқариш компьютер тизимлари кафедрасида «Очиқ жамият институти» — «Кўмак жамғармаси» (Сорос жамғармаси) ёрдамида интернет маркази очилди. Бу кафедра талабалари «Очиқ жамият институти» — «Кўмак жамғармаси» (Сорос жамғармаси)дан 27767 АҚШ долларини грант ҳисобида ютиб олдилар. Ва бу маблағга компьютер техникалари, керакли адабиётлар олиниб талабалар ихтиёрига топширилди. Шу билан биргаликда марказ қошида интернетда ишлаш, саҳифа яратиш курслари ҳам очилдики, унда олий ўқув юртларидан талабалар, маҳаллалар талаби билан мактаб ўқувчилари ҳам ўқитиладиган бўлди.

Яқинда интернет марказининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шу билан биргаликда Тошкент Давлат техника университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти ташаббуси билан университетда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуида анжуман ўтказилди. Тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотдан, Интернюс, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасидан вакиллар, юридик институтдан бир гуруҳ профессор, ўқитувчилар иштирок этишди.

Яқинда «Камолот» бошланғич ташкилоти ташаббуси билан университетнинг бизнес бошқаруви факультети, электроника-автоматика ҳисоблаш факультети, кон-геология факультети ҳамда нефть-газ факультетлари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қизиқарли куй-қўшиқлар, компьютер ёрдамида ишланган видеолавҳалар томошабинлар эътиборини тортди. Мусобақа сўнггида «Камолот» бошланғич ташкилоти ғолиб жамоани ўзларининг тамғаси туширилган сертификатлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Техника университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг келажакдаги ишлари ҳақида қизиқиб унинг етакчиси Дилмурод Мирзақулов билан суҳбатлашганимизда у жумладан шундай деди:

— Мана, талабаларнинг фаол иштирокида Янги йил оқшомини ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб олдик. Янги асрнинг иккинчи йилига дилга тугиб қўйган режаларимиз ҳам бисёр. Биз талабаларнинг маънавий-маърифий онгларини ошириш мақсадида турли-туман анжуманлар, кечалар, танловлар ўтказиш ниятидамиз. Қизиқарли спорт мусобақаларини уюштириш режаларимиз ҳам бор. Бир сўз билан айтганда «Камолот» ижтимоий ҳаракати келажакда ёшларнинг чинакамига суянчи ва таянчи бўлишига эришиш бизнинг асосий мақсадимиз.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Европа Комиссияси ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмак бериш» лойиҳасини молиялаштиришни бошлаганлиги муносабати билан ижрочиларнинг ана шу дастурни амалга оширишга боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи махсус Бошқарув қўмитаси ўз йиғилишини ўтказди.

● Тошкентда ЮНЕСКО қошидаги Фольклор фестивалларини ташкил этиш халқаро кенгашининг (CIOFF) Ўзбекистон шўъбаси очилди.

● **Кеча** Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг 5 йил мобайнидаги фаолиятига якунлар чиқарилди ва келажак режалари белгиланди.

● «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан аёллар, болалар ва оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. **Кеча** республикамиздаги скрининг-марказга, Меҳрибонлик уйларига ва махсус интернатларга тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари, санитария ва гигиена воситалари, компьютерларни топшириш маросими ўтказилди.

● Италиялик ишбилармонлар Навоий вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар, хусусий фирма, акциядорлик жамияти ва савдо корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда консерва заводлари раҳбарлари билан учрашди.

● Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги реклама бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● «Соғлом авлод учун» жамғармаси оммавий ахборот воситалари ўртасида «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар» йилларида давлат дастурларига оид тадбирларнинг ёритилишига бағишлаб ўтказган танлов натижаларини эълон қилди ва ғолиблар тақдирланди.

● Бухоро вилоят ҳокимлигида «Универсиада-2002» мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, академик Эдвард Ртвеладзе Грузиянинг олий мукофоти — «Гирсебис» ордени билан мукофотланди. Шу муносабат билан **кеча** Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида қувончли тадбир ўтказилди.

● Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммолари, ечими ҳамда истиқболи» мавзуида семинар ўтказилди.

● Бокс бўйича Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги учун 1984-85 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақа якунланди.

● Ўзбекистон спорт делегацияси 8-24 февраль кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бошланадиган XIX қишки Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетди. Бу сафар олти нафар вакилимиз қишки спортнинг икки тури — музда нафис учиш ҳамда тоғ чанғиси бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

### Жаҳонда

● Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат террор таҳдидидан ҳимояланиш учун ўз армиясига эга бўлиш керак, дея фикр билдирди.

● Канада ҳарбийларининг биринчи гуруҳи Кобулга келди. 75 кишидан иборат ҳарбийлар шаҳар хавфсизлигини сақлаш ва инсонпарварлик юкларини қўриқлаб боришда қатнашади. Улар Канада ҳарбий контингентининг дастлабки қисмидир.

● БМТ томонидан Афғонистонда амалга оширилаётган Жаҳон озиқ-овқат дастури раҳбарияти мамлакат ҳудудига бир неча вертолётни жойлаштиришни режалаштирмоқда. Улардан Афғонистоннинг тоғли ҳудудларига озиқ-овқат ва бошқа зарур товарларни етказиб беришда фойдаланилади.

● Афғонистон Муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай яқин вақт ичида Москвага ташриф буюради. Бу маълумотни афғон раҳбарияти билан бўлган музокаралардан сўнг Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов маълум қилган. Унинг айтишича, ташриф март ойининг бошларига режалаштирилмоқда.

● Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тегишли «Ил-76» самолёти Афғонистонга 11 тонна дори-дармон олиб келди. Вазирлик вакилларининг айтишича, ўтган 3 ой мобайнида 40 тоннадан зиёд дори-дармон келтирилган. Бу жараён давом эттирилмоқда.

● Аргентина иқтисодиёт вазири Хорхе Ремес Лениников мамлакатнинг оғир иқтисодий инқироздан чиқиши учун хизмат қиладиган режани эълон қилди.

● Пентагон ва Марказий разведка бошқармаси томонидан ишлаб чиқарилган режа Президент Жорж Бушга тақдим этилди.

● Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ҳар қандай Исроил етакчиси билан фаластинликларнинг озодлиги ва Исроилнинг хавфсизлиги учун музокаралар олиб боришга тайёрлигини билдирди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр номзоди Нобель мукофотига тавсия қилинган. Норвегия парламенти аъзоси Харальд Том Несвик ана шу ҳақда маълум қилган.

● НАТОнинг Мюнхенда ўтказилган мудофаа тўғрисидаги конференциясида ташкилот раҳбари Жорж Робертсон чиқиш қилар экан, мудофаа имкониятларини чуқурлаштириш кераклигини айтди.

● Халқаро валюта фонди ўтган йили Туркияда юз берган иқтисодий инқирозни бартараф этиш мақсадида мазкур давлатга 16 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилишини маълум қилди. Хабарларга қараганда, шу кунга қадар Халқаро валюта фондининг Туркияга ажратган жами сармояси 31 миллиард долларни ташкил этади.

● Индонезияда табиий офат туфайли бошпанасиз қолган юз минглаб одамлар ҳукуматга норозилик билдирмоқда. Уларнинг таъкидлашича, ҳукумат ёғингарчилик, сув тошқинлари оқибатларини бартараф қилишнинг чорасини кўрмаётир.

● Алмати — Москва йўналиши бўйича парвоз қилган «Эйр Қозоғистон» миллий авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737» самолёти авария ҳолатида Жезқазган аэропортига қўндирилди. Маълумотларга қараганда, қўниш пайтида 96 нафар йўловчи ҳамда экипаж аъзоларининг ҳеч бири шикастланмаган.

● Миср археологлари мамлакат жанубида тарихга мансуб ёдгорлик қолдиқларини топишди. У Птоломей II (эрамиздан аввалги 284-246 йиллари) ҳукмронлик қилган даврга тегишлидир. Топилманинг пойдеворига битилган 38 иероглиф мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

● Америкалик Майк Говард деган шахс яқинда ғалати томоша кўрсатди. Мичиган штати фуқароси бўлган бу йигит 6 минг метр баландликда бир шардан иккинчи шарга уланган арқон устидан юриб ўтди. У ўзининг бу томошасида дорбозлар тутадиган лангардан фойдаланган, холос. М. Говард ушбу «мардлиги» учун муносиб мукофот олади, деб ёзди «Нью-Йорк Таймс» газетаси.

● Афсонавий тўпурар, футбол қироли бразилиялик Пелега бағишланган музей Сан-Паолода очилди. 500 дан кўпроқ экспонат орасида мухлислар Пеленинг бир вақтлар кийган спорт кийими, Жаҳон кубогининг нусхаси, ҳатто болаликдаги пайпоғининг парчалари, чарм тўп ва қиролнинг дарвозага мингинчи голни киритиши билан боғлиқ турли фотосуратлар бор.

**Маълумки, Алишер Навоий адабий меросининг катта қисмини бир неча девонлардан иборат шеърий асарлари ташкил этади. Бу шеърларнинг мутлақ кўпчилиги эса ишқ мавзуида. «Бадоъеул-бидоя» девонининг «Дебоча»сида бу аҳволни изоҳлаб Навоий, бу мавзудаги шеърларининг бир неча ички мавзуларга бўлиниши ҳақида шундай дейди: «...ошиқлик кўчасидаким, ажиб ҳолатға ғоят ва хуморлиқ маҳалласидаким, ғариб мушкилотға ниҳоят йўқ турур; ишқда хоҳ ҳабиб жамоли ҳайратидин ва хоҳ рақиб хаёли ғайратидин ва хоҳ висол баҳори интизоридин ва хоҳ фироқ хазони хорхори изтироридин ҳар навъ иш юзланса эрди..,» — ул ҳолға лойиқ ва ул хаёлға мувофиқ:**

**Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,**
**Тил айлар эди назм либосида адо.**
**Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,**
**Солурлар эди гунбази гардунға садо.**

Лекин бу деганимиз Навоийнинг ҳамма ишқий шеърлари лирик қаҳрамон — ошиқнинг ишқий туйғуларинигина ёритади, бундан ташқарига чиқмайди, — деган гап эмас. Унинг айрим ғазаллари бир қарашда ишқий ғазалдек туюлса ҳам, бироқ бу хил шеърларда шоир бу мавзу билан шартли равишдагина боғланган бўлиб, аслида шу анъанавий мавзу воситаси билан, ранг-баранг бадиий образлар орқали ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини чуқуррок изоҳлашга интилган ҳоллар йўқ эмас.

Масалан, Навоийнинг «Наводирушшабоб» девонида қуйидаги матлаъ билан бошланган 582-ғазал бор:

**Бас ажабдур икки лаълин кўрсангу оғзин доғи,**
**Ғунча бўлмоқ бир-бири узра икки гул яфроғи.**

Мазмуни: агар ёрнинг икки қизил лаби ва оғзига назар солсанг, қизиқ бир ҳолатни кўрасан;

Қизил гулнинг иккита яфроғи бирбири билан устма-уст бўлиб, худди ғунча ҳосил қилгандек.

Шу девондаги 586-ғазал матлаи ҳам шу хил вазн ва шунга ўхшаш қофиялар асосига қурилган:

**Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботқон чоғи,**
**Ким сабо майли манга еткурди бир гул яфроғи.**

Мазмуни: Мен (кеча) қуёш ботаётган пайтда юзингни соғиниб, фиғон чекиб йиғлаган эдим;

(Мана) бугун тонг элчиси менга (юзингга ўхшаш) бир гул яфроғини ҳадя қилди.

Шоир ёрнинг гўзал юзини гул яфроғига қиёслаб, уни улуғлаётгандек!

Бу икки ғазал ҳам анъанавий мазмундаги ишқий ғазалнинг гўзал намуналари бўлиб, кейинги байтларда ошиқнинг ўз севгилисига бўлган туйғулари янги-янги тасвирлар орқали очилади. Иккинчи ғазалда алоҳида таъкидланишича, Навоий уни эллик ёшида ёзган бўлиб, ушбу шеърнинг 6-байтида бу тўғрида махсус байт мавжуд:

**Ёшим эллик бўлди, юз ҳасрат есамким суди йўқ,**
**Ўзни майдин хуш тутай, чун ўтти умрум хушроғи.**

Бироқ, Навоий бу икки шеър билан ҳам қаноатланмаган. Ўша йилнинг ўзида шу хил қофиялар билан, энди рамал баҳрида эмас, ҳазаж баҳрида яна бир янги ғазалини яратган ва уни «Фавойидул-кибар» девонига жойлаган. Ошиқ ўз маҳбубасига мурожаат қилиб шеър матлаида шундай дейди:

**Эрур сероб андоқ оташин гулдин юзунг боғи,**
**Ки қилмиш жилва ўт бирга су(в)дин бир тоза яфроғи.**

Мазмуни: сенинг юзинг оташин гуллар (мажмуидан иборат) шундай бир боғки,

Ундаги гулларнинг ҳар бир яфроғи ўт билан сув бирикмасидан юзага келгани учун (доим) жилва қилиб турибди.

Биринчи мисрада ёрнинг оловдай юзини оташин гуллар билан тўла боққа қиёслаш — маълум даражада анъанавий таъриф ва тавсиф кўриниши. Бироқ иккинчи мисрада бу гулларнинг жилваланиб туришини изоҳлаб, бу — ўт билан сувнинг (кимёвий) бирикишидан ҳосил бўлгандир! — дейилиши шоир айтмоқчи бўлган гапнинг мазмундорроқ қисмидир. Чунки — оддий гап эмас. Бунда шоир мутафаккир сифатида ошиқ ва маъшуқа ораларидаги нозик ҳиссий муносабатларни табиат ҳодисалари ёрдамида, маълум даражада илмий-фалсафий йўналишда изоҳлаб берган.

Мазкур ғазалнинг иккинчи байтида ошиқ ва маъшуқа ораларидаги бундан ҳам нозик бир ҳодиса тасвирланган:

# «Оразинг ҳажрида зор эрдим...»

## НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ



561

**Тахайюл бирла нозук соидин гар тўлғасам, томғай —**
**Ҳал ўлғон сийм андоққим, — узулса инжу қўлбоғи.**

Ошиқ хаёл суриб туриб, билмасдан ўз севгилисининг оппоқ билагига тегиб кетганда, заргар идишда эритаётган кумуш ерга тўкилиб, инжу кўзли билакузук ҳам узилиб, ерга тушгандек бўлган. Яъни маъшуқа сесканибми, қўрқибми, қўлини бирдан пастга тортиб олган. Бу ҳодисани бошқача тушуниш ҳам мумкин. Кўнглида ҳеч бир ёмонлиги йўқ, на бойлиги, соддадил ошиқнинг бу ҳаракатидан безакларга кўмилган маъшуқа ор қилиб қўлини тез тортиб олган. Бу билан у ошиқни камситган ҳамда инсон ҳар қандай қиммат безаклардан устун, — деган тушунчадан ўзининг йироқ эканини намойиш этган. Бу ҳаракат тасвирида Навоий ушбу ғазалнинг ижтимоий мазмундорлигини юқори кўтарган.

Учинчи байт:

**Кесак кўйида янчиб, асрарам кўз пардаси ичра, —**
**Кетургандек биров қоғозға чирмаб Каъба туфроғи.**

Байтнинг биринчи мисрасида ошиқ севгилиси яшайдиган кўчадан ҳар замон кўзига суртиб юриш учун туфроқ олгани ва бу туфроқни латтага ўраб ёки халтачада эмас, эъзозлаб, кўзининг пардаси ичида сақлаётгани ҳақида сўзламоқда. Мисра мазмуни анъанавийроқ бўлса ҳам, лекин тасвир ёмон эмас, ҳаётий. Бироқ, шоир бу билан қаноатланмасдан, иккинчи мисрада ўз тасвирини янада кучайтиришга ҳаракат қилган. У буни ҳаж қилишга борган кишиларнинг Каъба туфроғини қоғозга ўраб, эҳтиёт қилиб, ўз юртларига энг азиз бир нарса сифатида олиб келишларига қиёслаган. Хусусан, иккинчи мисрадаги тасвир шуни кўрсатадики, Навоийда бадиий изланиш даражаси доимий бўлиш билан бирга ниҳоятда юқори ва бой бўлган.

Шу билан бирга ёр кўчасидаги туфроқни барча мусулмонлар учун табаррук бўлган Каъба туфроғига тенглаштириш кенг исломий маъно касб этиб, анъанавий мазмундаги шеърни ўз даври ҳаёти ва маънавиятига янада яқинлашган.

Бу ғазалнинг кейинги байтларида ҳам, иккинчи мисра биринчи байтни тўлдириб, кучайтирар экан, шоир ҳаётнинг янги қирралари ва манзараларини кашф этади. Тўртинчи байтда ўқиймиз:

**Эмас гулбунда наврас ғунча ё хамлиқ тикан ҳар ён, —**
**Ки булбулнинг қолибтур анда тумшуқ бирла тирноғи.**

Ошиқ-шоир ҳар галги боғ сайрида гул шохларида янги очилай деб турган ғунчаларни ва қайрилган тиканларни кўрар экан; бу гал эса уларнинг ўрнида ошиқ булбулларнинг тумшуқлари ҳамда тирноқлари (гул шохларига илиниб, осилиб ётганлиги)ни кўрган. Демак, қандайдир нохуш воқеа содир бўлиб, гулларни севишдан бошқа айби бўлмаган булбулларга қонли фалокат юз тутган, улар ўлдирилган, мажақланган, уларнинг ишқни куйловчи тумшуқлари эзилиб, яшашга интилувчи тирноқлари шохларга илиниб қолган. Нақадар аянчли ва лирик манзара! Бу каби сатрлар Навоий каби буюк сўз усталари қалами туфайлигина юзага келиши мумкин.

Бу ғазалдаги кейинги байтлардан яна бирида фожиавийлик (трагизм) кулги (юмор) орқали тасвирланганини кузатамиз:

**Ажал олурда жонимни, эрур ҳажринг шарик. Аммо —**
**Агар ул раҳм ҳам кўргузса, бўлмас рози ўртоғи.**

Бир умр ёрини севиб, унинг ҳажрида қийналган ошиқнинг жонини ниҳоят ажал оладиган бўлибди. Ошиқни шу аҳволга, охири ўлимга олиб келган ҳижрон хурсанд бўлиб, унга ёрдам қила бошлапти. Шу пайт ногаҳон ажал инсофга келиб, ошиққа раҳми келиб, уни ўлдирмай деса, яна ўша ҳижрон азалий душманлигидан қолмай, бунга тўсқинлик қилар эмиш! Бу ўринда Навоий ҳижронни ажалдан ҳам ёмон ёвуз бир махлуқ қиёфасида ташхис санъати бўйича жонлантириш билан ўз шеърий маҳоратининг энг гўзал бир қиррасини намоён этиб, ўз ижодий ниятига жаҳон адабиёти юксаклигида эриша олган. Чунки у ҳижрон қиёфасида янги образ яратиб, фақат ошиқларга эмас, умуман одамларга ёмонликнигина раво кўрувчи салбий куч тимсолини ёрқин гавдалантира олган.

Хуллас, Навоий девонларида ишқ баҳона, бошқа муаммолар ёритилган, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг бошқа муҳим масалалари бўйича мулоҳаза юритилган шеърлар талайгина. Биз бундай шеърларни ўрганишга ҳам жиддий эътибор беришимиз зарур.

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор.**

САНЪАТИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

# Қўшиққа, мусиқага бахшида умр

**Санъат муқаддас даргоҳ. Кимки ана шу кутлуғ даргоҳга ҳар томонлама муносиб бўлса, санъат бундай кишиларни бир умр бахт ва иқболга ҳамроҳ этади. Элга танитади. Эъзозлайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Зокиржон Султонов ана шундай кутлуғ ва муқаддас санъатимизнинг дарғаларидан бири.**



Бугунги кунда ўзининг кутлуғ 70 ёшини нишонлаётган Зокиржон Султонов қарийб 50 йилдан зиёд умрини қўшиқчилик санъатини ривожлантиришга, ноёб пластинкаларни йиғишга, халқимизга маънавий руҳ, эстетик завқ бағишлашга сарфлади. У санъатга қўйган биринчи қадамларидан бошлаб то ҳозирга қадар йиғган пластинкалар овозлар мулкининг ажойиб хазинасидир. Пластинкалар орасида 1877 йилдан бошлаб то ҳозирга қадар ёзилганлари бор. У пластинкалар синиб, лат ейишидан чўчиб магнит лентапарига кўчиртириб қўйган.

Қўшиқ ихлосмандлари ўзбек қўшиқчилик санъатига тамал тоши қўйган Мулла Тўйчи ҳофиз, Муҳиддинқори Ёқубов, Леви Бобохонов, Шерозий Ёқубов, Ҳамроқул қори, Эрка қори, Мулла Шожалил Ҳожи Тамтам, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Қобил қори Сиддиқов (бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин) каби ҳофизлар ҳақида, улар ижросидаги қўшиқларни жуда-жуда оз билишади. Аёл-ҳофизалар - Бедонхон, Хосиятхон, Нинахон, Мозодахон, Тўлахонлар ҳақида эса ҳеч нарса билишмайди десак муболаға қилмаган бўламиз. Аммо Зокиржон аканинг ҳақиқий санъат фидойиси эканлиги туфайли улуғ қўшиқчиларнинг ширали овозларини эшитишга, қўшиқларни тинглашга мушарраф бўла оламиз.

Ҳофиз ва филофонист Зокиржон Султонов нодир қўшиқлар ёзилган пластинкаларни қанчалар заҳматлар ва машаққатлар билан қўлга киритгани ҳақида, бир пайтлар 25 мингта чиққан бу дурдоналар бугунги кунга келиб 10 мингга тушиб қолгани ҳақида куйиниб сўзлайди. Минг-минглаб пластинкалардан иборат ушбу ноёб хазинани асраш учун уй шароити торлик қилиб қолгани ҳар қандай санъатсевар қалбида ташвиш уйғотади. Ана шу ҳақда бир неча йиллардан буён журналистлар ҳам матбуотда куйиниб ёзишган эди. Ҳатто улардан бири бу хазина ҳаваскорлар, мусиқа мактаблари талабалари, консерватория ёшларига жуда зарур эканлигини қайд этиб, «Қўшиқ», «Мусиқа» ё бўлмаса «Филофонист» деб аталувчи музей ташкил этиш ва махсус бўлим очишни ўртага ташлаган эди.

Бугунги кунга келиб маданий-маънавий меросимизга эътибор амалий ишларда намоён бўлмоқда. Назаримизда «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, кўплаб музейлар мутасаддилари Зокиржон Султонов қўлида тўпланган ноёб дурдоналарни сақлаб қолиш йўлларини ўйлашлари шарт. Зеро, ҳар бир қўшиқ, куйда бир жонли тарих мужассам. Ҳар қайси санъаткор ўз умри, ўз талантини ана шу қўшиқларига яшириб кетгандай. Зокиржон Султонов эса уларни яна ҳаётга қайтармоқда.

— Қани айтингчи, ўзбек халқининг севимли хонандалари куйлаган «Муножот», «Баёти Шероз», «Ажами Маҳкамбой», «Дилхирож», «Зайнул араб», «Қора сочим», «Оқ йўлим», «Тошга райҳон эксам» каби қадимда чиқарилган пластинкалардаги бу қўшиқларни ҳозир қаердан топиш мумкин? — дейди биз билан суҳбатда филофонист З. Султонов. — Очиғи, бир пайтлари ҳатто айтишга ҳам қўрқардим. Бизга эркинлик берган мустақиллигимизга тасанно! Пластинкаларим орасида Сафо Муғаннийнинг 1936 йилда куйлаган, Шерозий Ёқубовнинг куйлаган қўшиқлари бор.

Ёшлигимдан қўшиққа, мусиқага муҳаббат қўйдим ва бутун кучимни, иқтидоримни унга бағишладим. Мен Ўзбекистонда туғилганимдан, ўзбеклигимдан фахрланаман!! Санъатсевар, меҳнаткаш мушфиқ элимга тоабад таъзим қиламан...

Дилдан-дилга, тилдан-тилга ўтиб, мангулик касб этиб келаётган ўлмас қўшиқлар хазинабони Зокиржон Султонов ҳақида «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари «Бир умр давомида» деб номланган ҳужжатли фильм олдилар.

Бир сўз билан айтганда, Зокиржон Султонов ҳамон изланишдан тўхтагани йўқ. Унинг ширали овози ўзининг тиниқлигини йўқотмаган. У 1955 йилда куйлаган «Баёт-III» қўшиғини бугун ундан-да яхши куйлайди. «Ўзбекистон ўргулай», «Айрилиб бўлмас» каби кўплаб қўшиқлари эса радионинг олтин фондидан ўрин олган. Бугун 70 ёшни қаршилаган Зокиржон ота Султоновни Умар Отаев, Рўзимат Қаюмов, Абдуқодир Юсупов каби шогирдлари, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркуловадек қўшиқчи санъаткорлар тез-тез йўқлаб туришади.

Элимизда «Зар қадрини заргар билади» деган нақл бор. Таъбир жоиз бўлса, заршунослик қилиб маданий меросимиз — ноёб пластинкаларни тўплаётган ҳофиз, филофонист Зокиржон Султоновни кутлуғ ёши билан кутлаймиз ва унга хайрли юмушларида толмасликни тилаб қоламиз.







**Маъпура НАБИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Зокиржон Султонов (ўнгда) Тожикистон халқ артисти Жўрабек Муродов билан; санъаткор йиққан ноёб пластинкалардан намуналар (пастда).**

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# УЛУҒ САЛТАНАТ

## Тарихий романдан боблар

* * *

Темурбекнинг назарига тушганидан ўзини осмони-фалакда сезган Ахий Жаббор хуфтон бўлганча у-бу иш қилиб ивирсиниб юрди. Хурсандлигидан нима иш қилаётганини ҳам билмасди. Кейин Жаҳонгир Мирзони ҳоли қолдиришни ўйлаб тараддудлана бошлади, разм солса, бу ерда амирзодага қараб тургувчи мулозимлар етарли экан. Қолаверса, посбонлик ҳам кутиб турибди. Бирдан амирзода унга: «Ёнимдан кетмангиз!» ишорасини қилди, гапиришга ҳоли йўқдай эди. Бу қўрқмас, валламат йигит амирзодага маъқул келиб қолди. Жанг майдонида жасорат кўргизиб амирзода жонига оро кирди. Айниқса, бир савашиш амирзода эсида. Чап томондан душман навкари унга қараб найза ўқталиб кела бошлади, Ахий Жабборнинг ўқи қолмаган, фақат қиличга суянар эди холос. Ахий Жаббор уни масхара қилгандай: «Кел!», «Ҳа, келақол, қўрқоқ бачча!» деб қичқирар, аммо ўзи ҳушёр эди. Бу навкарнинг қитиқ патига тегиб, жаҳлини чиқариб юборди ва бетавфиқ масхарабозни жойида тинчитиш учун ўқдай отилди! Шу пайт ўнг тарафда ҳам бир сипоҳ Ахий Жабборни мўлжалга олиб турарди. Ахий Жаббор усталик билан чап бериб қолди, ўқ нишонсиз шувиллаб ўтиб кетди. Алам қилган сипоҳ энди найзасини олди, отини қизиқ устида Ахий Жаббор сари бурди ва қамчи босди. Икки ёқдан келаётган отлиқлар бир-бирларини кўрмас эдилар. Ахий Жаббор буни пайқади, кутиб турди-да, охирги дақиқада чапдастлик билан ўзини четга олишга улгурди, навкар билан сипоҳ бир-бирига дуч келиб тўқнашиб кетди, иккиси ҳам нобуд бўлди. Воқеа бир лаҳзада юз берди. Ҳали падари бузруквори билан бобоси Амир Жоку барлослар ҳам унинг жувонмардлик русумини тутганини таъкидлашди. Бундан амирзоданинг Ахий Жабборга қизиқиши, ҳурмати яна ортди. Асли Жаҳонгир Мирзо жанг чоғидаёқ уни ўзининг хос йигитлари қаторига киритишни кўнглига туккан эди. Ният қилиб адашмабди. «Аббос баҳодир фавжидан экан, бас, баҳодирдан сўраб оламен», деганди ўшанда у.

Шундай хаёлларга берилган Жаҳонгир Мирзонинг уйқуси келиб кўзи илинди. «Хайрият, — деди ўзича Ахий Жаббор. — Амирзода кўп ҳориб-толди, энди андак ором олади». У чодир остонасида чордона қурди ва ташқарига қоронғуликка тикилди, унинг уйқуси келмасди. Ташқарида бедор мулозимлар нимадир ишлар билан машғул эдилар. Олисларда қоровулларнинг гулханлари ёнарди.

Кечаси алламаҳалда Жаҳонгир Мирзо уйғониб кетди, кейин ухлай олмади. Оёғи бироз сирқираб турарди. Унда қандайдир суҳбатлашишга мойиллик сезилди. Энди тун яримдан оққанди. У ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирдилар, аввалига гап қовушмади. Сўнг Жаҳонгир Мирзо Ахий Жабборнинг истиҳола этиб, камсуқумлик қилаётганини англади.

— Кўрган-кечирганларингиздан сўйлаб берингиз... Тортинмангиз! — деди оҳиста амирзода, ҳали ҳолсизлигидан ўзининг гапиргиси келмас, кўпроқ тинглашни истарди.

— Кўрган-кечирганларимдан сўйлаб берайми...

Ахий Жаббор ўйланиб қолди. Нималардан гапирсин? Унинг содда одми ҳаёти амирзодани қизиқтирармикин? Кўрган-кечирганлари тинглашга арзирмикин? Сўйлайдиган ҳикояси ғаройиб бўлиши, Жаҳонгир Мирзони овунтира олиши лозим. Хўш, ҳаётидаги энг қизиқ нарса нима ўзи? Энг қизиқ ва арзирли нарса... Саргардонлик, Марғилонда ахийлар жамоаси, Самарқандда Тун салтанати, сарбадорлар, тағин саргардонлик, сарсонлик... Хотираларини титкилай бошлаган Ахий Жаббор, бирдан юраги зирқираб кетди, кўзлари намланди. Жаҳон унинг эсига тушган эди! Жаҳон!.. Унинг Жаҳонга бўлган муҳаббати йиллар ўтиб, ажабо, сўниш ўрнига тобора аланга оларди... Бу муҳаббат Ахий Жаббор қалбининг, умрининг энг буюк сарвати, бойлиги... Жаҳонгир Мирзога шу ҳақда сўйлаб берсачи?.. Ахир муҳаббат, унинг қиссаси ҳар кўнгилга ошнодир, даводир, малҳамдир... Амирзодамга маъқул бўлармикин?..

— Ҳеч кимга кўнгил қўйганмисиз?.. — сўраб қолса бўладими бирдан Жаҳонгир Мирзо шу палла!..

Ахий Жабборнинг вужуди титраб кетди. Аллақандай мажҳул туйғулар уни қамраб олди:

— Бир ожизага кўнгил қўйганмен, пинҳона ёниб куйганмен, амирзодам... Айбга қўшмайдилар... — иймангaнча сўз бошлади Ахий Жаббор. — Сўйласам майлиму?

— Сўйлангиз! Сўйлангиз! — қувватлади Жаҳонгир Мирзо.

— ...Ул ожиза Самарқандда яшарди, оппоқ юзли, шаддод, қоматидан ғайрат ёғилиб турадиган, жуссаси бикир қиз... Мен унга ҳамиша жонимни фидо қилишга тайёрмен, ёди бирла бу оламда устивормен!..

Ахий Жабборнинг ҳисоби тўғри чиқди. Жаҳонгир Мирзо чиндан ҳам қизиқиб қолди, уйқусираб турган кўзлари каттароқ очилди, қулоқлари динг бўлди. Ўн беш ёшли йигитни муҳаббат қиссасига тортиш, балиқни сувга отиб юборишдай бир гап, аслида.

—...Фақат йироқлардан томоша қилардим, кўриб қолган кунимни омад деб билардим... — давом этди Ахий Жаббор. — Ёлғиз орзуси билан кун кўрардим, кўрдингми, деб ҳар субҳи содиқ кундан сўрардим. «Бугун ул боққа бир зумгина чиқди, бир зум, сени дебон йўллади нозик табассум...» дер эди қуёш ва менга кулиб боқарди: «Ол!» Шундоғ дилгинамни айларди хушҳол... Шамол келар, унинг сочларини сийпалаб ўтдим, дер, ғашимга тегар, рашкимни қўзғар... Ойга боқсам маъюс чеҳраси суюклимнинг маҳзун тимсолини ёдга солар... Боққа кирсам, гуллар ёр исини ўзларига яшириб олганларини ошкор айлар, ошуфта дилимни баттар ёр латофатига бойлар...

Ахий Жаббор илҳоми жўшгандан жўшиб сўйларди... Бирдан кутилмаган ҳол юз берди. Инграган Ахий Жаббор сассиз йиғлаб юборди! Ўзини тўхтатай деса, ҳеч уддалай олмас, уятдан ер ёрилмас, ерга кириб кетмас... «Ие! Ие! Менга нима бўлди? Менга нима бўлди?..» — деди ўзи яна хижолат. Ахир у амирзодани овунтириш учун сўзламақда, изтиробига изтироб қўшиш учун эмас! Тентак!.. Лекин, начора, Жаҳонни ўйлаганда Ахий Жаббор ҳар сафар шундай ҳолга тушади, ёруғ жаҳондан чиқиб кетай дейди! Кўнгли бўш, шунақа...

Жаҳонгир Мирзо унга ҳайратланиб боқар эди.

—...У ҳақда эсласам, шундай дурри якдонага меҳрим тушиб қолганидан беҳад қувониб йиғлаймен, амирзодам... Гуноҳимдан ўтингиз, — апил-тапил кўз ёшларини артаркан узр сўради Ахий Жаббор. Шам ёруғида унинг жилмайишга уринаётгани кўриниб турарди. — Укаси бор эди, ҳамма гапни ундан сўраб билиб олар эдим. Эгачим бугун пешонамдан ўпиб қўйдилар, деб мақтанарди. Мен: «Ростданми? Қаерингдан ўпиб қўйдилар? Кўрсат-чи!» дердим ва худди ўша гўзал эгачиси ўпган жойга лабимни теккизардим... Аммо ул қиз менинг севишимни ҳеч қачон билган эмас...

— Исми недур? — сўради амирзода.

— Исми... Жаҳон. Ҳа, жаҳонга бергисиз қиз...

— Ҳозир қаерда?

— О, ҳозир... — Ахий Жаббор нима дейишни билмай қолди. — Ҳозир, ҳозир... Жуда ҳам олисда... Ул қиз бир дўстимнинг маҳбубаси... Ҳозир улар қовушганлар, улар...

Ахий Жаббор, улар оламдан ўтганлар, дея олмади...

— А... — деб қўйди амирзода. У муҳаббат қиссасини бундоқ тугашини кутмаган эди, лозим бўлса кўмак беришни ўйлаб турганди.

Ахий Жаббор ҳам хижолат бўлди, ҳикоясидан ўзининг ҳам ичи чиқмади. Кейин худди ўзини оқлагандай деди:

— Ҳеч нарса Оллоҳнинг иродасидан четда юз бермайди. Оллоҳнинг буюргани шу, амирзодам... Айбга қўшмайдилар, дедим, бошида...

II

Орага жимлик чўкди. Ташқарида мулозимларнинг овозлари ҳам эшитилмасди. Шу пайт қайдадир шаҳарнинг катта чорраҳаси томондан бир итнинг ўқтин-ўқтин кучли вовуллаши сокин тун-кеча бағрини пора-пора қилиб юборди. Кейин овоз пасая-пасая тиниб қолди.

Ахий Жаббор суҳбат мавзусини ўзгартиришга, амирзодани, амирзодани эмас, балки кўпроқ ўзини чалғитиш учун олис афсоналардан бирига ўтишга қарор қилди. Тонг отишигача ҳали вақт бор эди.

— Андижон томонларда юрганимда бир афсона эшитдим, амирзодам... Бўритепа деган жойди...

— Қандай афсона экан у? Сўйланг-чи? — деди Жаҳонгир Мирзо.

— Мана бундай нақл қиладилар. Ота-боболаримиз Мағриб денгизининг ўнг қирғоғида яшар эканлар, — ҳикоясини бошлади Ахий Жаббор. — Кунлардан бир кун кунчиқиш томондан, дашт ила ёбондан жанжалкаш душман бостириб келибди. Қаттиқ жанг бўлибди. Қирғинда ҳеч ким жон сақлай олмабди, тирик одам зоти қолмабди. Ўлганларнинг жасадлари майдонда қалашиб ётармиш... Фақат ўн икки ёшли Турўғлон деган бир ўсмир бола жасадлар тагида ўлмай қолибди, лекин у ҳам қаттиқ ярадору юра олмас даражада ҳолдан тойган экан. Шунда қаердандир бир бўри пайдо бўлибди.

— Бўри? — сўради Жаҳонгир Мирзо ҳикояни бўлиб. У болаликдан бўри ҳақида кўп эртаклар эшитган, бу мард ва танти махлуққа ихлоси баланд эди.

— Шундоғ, амирзодам, қаердандир бир бўри пайдо бўлибди. Турўғлон бўридан қўрқибди, аммо қочишга ва ўзини ҳимоя қилишга мажоли йўқ экан. Бўри ер искаб юриб-юриб Турўғлонни топиб келибди. Турўғлон нима қиларини билмай турар экан. Бирдан бўри тилга кирибди:

«Сени қутқаришга келдим, эй Инсон! Мен Онабўриман. Қўрқма, сенга бирон зиён-заҳмат етказмаймен, душманлардан ҳам ўзим асраймен. Қўрқма!»

Турўғлон ҳайрон қолибди, чунки Онабўри одамга ўхшаб муомала қилар экан-да, овози ҳам ингичка, аёл кишиникига ўхшармиш.

«Хўп, қўрқмаймен!» — жавоб қилибди Турўғлон.

Онабўри Турўғлонни жанг майдонидан олиб чиқиб кетибди. Улар бир жойга етибдилар. Ям-яшил ўрмонзор экан. Шу ерда зилол сувли тип-тиниқ кўл бор экан. Кўл бўйидаги улкан дарахт тагида дам олмоқчи бўлишибди.

Онабўри «хе йўқ, бе йўқ» бирдан Турўғлонга бундай дебди:

«Рўзи азалда шундай ёзилган: энди сен менга уйланишинг керак. Мен сенга тегамен. Бизнинг фарзандларимиз туғилиши лозим...»

«Уйланишим керак?» — ҳайрон сўрабди Турўғлон.

«Ҳа!»

Турўғлон, пешонада бор экан-да, начора, энди бўрини хотин қилиб яшар эканман-да, деб ичида ўксинибди. Йўқ, деса, Онабўрининг қилган яхшиликларига нонкўрлик бўлади, деб ўйлабди, боши қотибди. Бу пайт Турўғлон жароҳатлари битиб, рангрўйи ҳам яхшиланиб, бақувват ҳолга келган экан.

«Майли, розимен...» — жавоб қилибди охири Турўғлон...

Шу ерда қизиқ ҳодиса рўй берибди...

**(Давоми бор).**